УДК.37.02

ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДАГИ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ВА КАСБ-КОРЛИК СИФАТЛАРИ

А.Ж.Ҳусанов, З.Р.Исақова, Т.Ғ.Дўстматов

Мақолада таълим жараёнида ўқитувчининг ўз ишига бўлган масъулиятининг аҳамияти, технология фани ўқитувчисининг умумий ўрта таълим мактабларида олиб бориладиган ўқув машғулотларига тайёргарлик кўришининг ўзига хос жиҳатлари, касб-корлик сифатларини шакллантиришга оид фаолияти ёритилган. Технология фанида асосий таълим жараёни ўқувчиларнинг мустақил амалий ишлари орқали бажарилади. Ўқувчилар мустақил ишлай олишлари учун дарс ўқитувчи томонидан пухта ташкил этилиши кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: *таъсирчанлик, касб-корлик, савия, технология, дидактика, маъмурият, кўргазма, машғулот, педагогика, маҳорат*.

В статье освещаются важность ответственности учителя за свою работу в процессе обучения, особенности подготовки учителя технологии к занятиям в общеобразовательных школах, его деятельность, направленная на формирование профессиональных качеств у учащихся. На уроках технологии образовательный процесс осуществляется, в основном, через непосредственную самостоятельную практическую работу учащихся. Указывается, что для получения ожидаемого эффекта от самостоятельной работы школьников урок должен быть тщательно организован учителем.

Ключевые слова: *отзывчивость, профессионализм, уровень, технология, дидактика, администрация, выставка, профессия, педагогика, мастерство.*

Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналиши алоҳида ўрин эгаллаган [1]. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг мазкур устувор йўналиши, жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд қатламлар ижтимоий ҳимоясини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир. Таъкидлаш зарурки, бугунги кунда ҳар томонлама баркамол ривожланган авлод тарбияси борасидаги Ўзбекистон тажрибаси нафақат мамлакатимизда, балки халқаро экспертлар ва нуфузли ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Дунёдаги глобал ўзгаришлар жараёни, мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги ўзгаришлар, таълим тизимида тайёрланаётган мутахассисларга жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Педагогик таълим соҳасида 80-90 йилларда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими ягона ва яхлит тизим сифатида инновацион характер касб этиб, қуйидаги жараёнларга эътиборни қаратганини кўрамиз:

- таълим алоҳидалиги маълум регионларда ушбу соҳани мустақил ривожлантириш ва маълум мутахассисларга “буюртма портфели”ни шакллантириш имконини берди;

- олий ўқув юртларини демократлаштириш, педагогик жараённи ташкил этишнинг шакл, восита ва шартларини белгилашда мустақилликни таъминловчи имкониятни берди;

- умумтаълим муассасаларини типларига мувофиқ тарзда педагог учун ўзининг педагогик фаолиятини лойиҳалаш ва ўқувчиларни ривожлантириш воситаси сифатида ўзи ўқитадиган ўқув фанидан фойдаланишда эркинлик бериш ва бу борада умумтаълим мактабларининг эҳтиёжини ҳисобга олиш учун имкониятлар берди;

- олинаётган педагогик таълим мазмуни ва даражасини танлаш имконини ўз ичига олувчи индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишга мўлжалланган ўқувчининг шахсий қизиқишларини қониқтириш заруратини кўзда тутади;

- унинг турли даражадаги имкониятлари асосида қисқа муддат ичида профессионал таълим берувчи мутахассисларни тайёрлаш имконини беради.

Юқорида айтиб ўтилган жараёнлар маълум даврларда кучли таъсир этилган бўлса-да, бу

ўринда анъанавий тарзда кадрлар тайёрлашга нисбатан инновацион жараёнлар ўртасида маълум диалектик ўзаро боғлиқлик мавжудлигини эътироф этган ҳолда, анъанавий ва инновацион таълимнинг ҳар бирини ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратмаса бўлмайди.

Анъанавий педагогик таълим мазмуни ва ташкил этилиши жиҳатидан аниқ ўқув фани бўйича мутахассис ўқитувчиларни тайёрлашга қаратилган. Касбий-педагогик тайёргарликдаги анъанавий тизимда фаолиятли ёндашув асосидаги ўқув-тарбиявий жараён ётади ва бу жараёнда иштирокчилар ўртасидаги муносабатлар субъект-объект тарзида йўлга қўйилган. Бу ерда субъект – ўқитувчи маълум чегараланган шароитда бўлиб, унинг фаолиятини ўқув режа ва ўқув дастури бошқаради ҳамда муносабатлар қатъий белгилаб қўйилган. Объект – ўқувчи маълум даражадаги билим ҳажми билан чегараланган. Анъанавий таълим мазмун жиҳатидан ўзаро боғлиқ автоном фаолият билан белгиланган: ўқитувчини ўқитиш фаолияти ва ўқувчининг ўқув билиш фаолияти; ўқиётган ўқувчи ўқитувчи режасининг ижрочиси ва бошқарув объекти бўлиб фаолият кўрсатади.

Анъанавийликдаги ўқув жараёнида ўзаро фаолият тақлид қилиш, имитация, намуна бўйича фаолият кўрсатиш, ижтимоий ва шахслараро ўзаро таъсирнинг бир хилдалиги, ташқи назорат ва натижани баҳолаш – буларнинг барчаси билиш мотивларини қисқартириш, билиш мотивларини кенгайишига имкон бермайди.

Инновацион ҳаракатларни бир нечта, жумладан, ташкилий, мазмунли, методик кўрсаткичлари юзага келди ва амалиётга жорий қилинди. Ушбу ҳолатлар кўплаб педагогика ва психология кафедралари йиғилишларининг асосий масаласи сифатида муҳокамага қўйилди ҳамда давлат ўқув режаси, дастурлари асосида ҳар бир олий ўқув юрти ўзларининг ишчи ўқув режа ва ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқишга киришилди. Бу эса жойларда ҳар бир фан ўқитилишининг инновацион технологияларини жорий этиш ва қўллаш учун имкониятларни берди.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар таълим жараёнига инновацион технологияларни олиб кириш ва амалиётда уларни қўллаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларга малакали мутахассислар етказиб берилишини таъминлаш муаммолари таълимдаги ҳамкорлик жараёнларини йўлга қўйишга йўналтирилган.

Таълим беришда ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳамкорлик турининг таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти шундаки, бунда ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро фаолиятлари ҳамжиҳатликда амалга оширилади.

Таълимни ташкил этишда ҳамкорлик афзалликлари қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олади:

1. Бу олдиндин кўра билиш, яъни талабани аввалги ва ҳозирги тажрибасига кўра ўқитиш эмас, балки уни узоқ келажакни мўлжаллашга ўргатишдан иборат бўлиб, ўқувчи ижтимоий ҳаёт ва касбий ҳаётда тахмин қилиш ва кўзлаш, моделлаштириш ва лойиҳалаштиришни амалга ошира олиш кўникма ва малакаларини ўзлаштиради.

2. Ўқувчиларнинг ҳамкорликда таълим олиши ва муҳим қарорларни қабул қилишида фаол иштирок этишини таъминлайди.

3. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги инновацион таълим имкониятлари асосида фаолиятини ташкил этиш ҳамда илмий таълим лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

Инновацион таълимда ўқитувчи билан ўқувчилар фаолиятининг шаклланиши, унинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ташкил қилиш, ўқув фаолиятини ташкил қилувчи таркибий қисмларни ўрганиш ўтган асрнинг охирларида амалга оширила бошланди. Ушбу назарияга кўра, ўқув фаолиятининг шаклланиши фан асосларини ўзлаштиришнинг негизи эмас, балки шахснинг ижтимоий-маданий қадриятларни эгаллаш жараёнидир деб таърифланади. Бу ҳозирги кундаги инновацион таълим ҳамкорлигининг ижтимоий-психологик янгилигини ифодалайди.

“Мактаб ўқувчиларининг касб танлаши онгли зарурият бўлиши ва айни вақтда жамият манфаатларига мос бўлиб тушиши, йигит ва қизларнинг камолот йўлида шахсий муддаоларини қондириши лозим. Бунинг учун юксак даражада маълумотли бўлиш зарур, ҳозирги асримизда бундай маълумотсиз фан-техника илдам тараққий этиши мумкин эмас” [2. Б. 11].

Ўқитувчи ёшларга таълим ва тарбия берувчи шахсдир. Республикамизда таълим соҳасида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлигига, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. “Технология” фани ўқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган бўлиб, дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида унинг меҳнат усулларини тўғри танлаши, ўқувчилар томонидан олинган назарий билимларни амалда тўғри қўллаганини назорат қила олиши керак.

Ўқув жараёнини режалаштириш ўқитувчининг дарсга тайёрланишида асосий ўрин тутади. Ўқув йилини режалаштириш орқали ўқитувчи ва ўқувчининг умумий ўрта таълим мактабидаги “Технология” фанининг вазифа ва мақсадларига кўра бажарган барча ишларини олдиндан кўриш мумкин. Ўқув йилини режалаштиришда “Технология” фани бўйича ўқитиладиган бўлимларнинг дастури

асос қилиб олиниб, ўқитувчи томонидан бир қанча дидактик вазифалар ҳал қилинади:

-“Технология” фани таълимнинг дастурий бўлимларига мос ҳолда ўқув жараёнини моддий жиҳатдан ўз вақтида тайёрлаш имкониятини беради. Ўқув хоналарини янги замонавий асбоб-ускуналар, ўқув кўргазма манбалари аввалдан маълум бўлади;

- “Технология” фанининг мазмуни билан бошқа фанларнинг мазмуни орасидаги боғланиш ёритилиб, ўқитувчи томонидан ўқув материали алоҳида дарсларга тақсимланиб, ўқувчиларнинг бошқа фанлардан олган билимларини ҳам аниқлаш имконини беради. Шундай қилиб, “Технология” фани билан бошқа фанларнинг асосларини ўрганиш орасида дидактик боғланиш таъминланади;

- ўқув йили давомида ўқувчилар томонидан бажариладиган ишлар аниқланади;

- ўқувчилар билан олиб бориладиган дарсдан ташқари ишлар йўналиши аниқланади;

- ярим йиллик якунларини чиқаришда ўқув режанинг бажарилишини текшириш ишлари енгиллашади.

Ўқитувчининг ўқув йилига тайёргарлиги қуйидагича олиб борилади: янги ўқув йилига тайёргарлик жорий йилнинг тугаши билан бошланиб, “Меҳнат таълими” ўқитувчиси дарс давомида фойдаланиладиган ҳар бир жиҳоз ва асбоб-ускуналарнинг майда носозлигига ҳам аҳамият қаратиб, уларнинг ҳар бири соз ҳолатда бўлишини таъминлаши зарур.

Бу борада ўртача ва тўлиқ таъмирлаш ишлари юзасидан мактаб маъмуриятига мурожаат қилиниши, шунингдек, маъмуриятга мурожаат қилиш орқали тегишли чора-тадбирлар кўрилиши натижасида ўқув жараёнида фойдаланиш учун янги жиҳозлар сотиб олиб, янги ўқув йили учун тахт қилиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Янги ўқув йилини режалаштириш ҳам ўқув дастури билан қайтадан танишишдан бошланади, бундаги тушунтириш хати ўрганилади. Тушунтириш хатини ўрганишда машғулотларнинг вазифаларини, ўқув жараёнини ташкил қилишда кўрсатмали кўргазмалардан фойдаланиш, ўқувчилар фаолиятини текшириш, баҳолаш ва ҳоказоларга оид услубий кўрсатмаларни яна бир марта таҳлил этгандан сўнг фанлар бўйича дастурнинг мазмуни билан ҳам яқиндан танишиб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Дастурдаги ҳар қайси синф ўқувчиларининг ўзлаштиришлари керак бўлган билим, кўникма, малакалар, фанлардаги бўлимлар мавзулари ва уларга ажратилган соатлар ўрганиб чиқилгандан сўнг ҳар бир синф учун ўргатиладиган буюмлар танланиши, буюмларни танлашда эса ўқитувчи томонидан қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

-буюмларга ишлов бериш усуллари ўқув дастурига мос келиши керак;

-буюм танлашда аниқлик даражаси, вақтига эътибор бериб, ўқувчиларнинг кучи етадиган аввалги билимлар асосида танланиши керак;

-буюмларни лойиҳалаш усули ўқувчиларга тушунарли ва осон ўзлаштириладиган бўлиши керак.

Ўқув йилини режалаштиришда ва бажараётган буюмларнинг хилини танлашда болаларнинг ўзлаштириш даражаларини эсдан чиқармаслик зарур. Шунингдек, ҳар бир синфдаги иқтидорли болаларни аниқлаш, уларнинг қизиқиш ва билимларини ўстириш йўлларини аниқ белгилаб олиш, ўртача билимли болаларни ўз-ўзидан иқтидорли болаларга эргаштириш йўлларини излаб топиш орқали иш унумдорлигининг ортишига ҳаракат қилиниши зарур.

Ўқитувчи янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда ўқувчиларнинг унумли меҳнатини ташкил қилиши ва йўлга қўйиши зарурлигини инобатга олиб, бунинг учун янги ўқув йилига қадар бирор ишлаб чиқариш корхонаси, ташкилот ёки фирмалар билан шартнома тузишга эришса, албатта, таълим бериш жараёни муваффақиятли амалга ошади. Янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш жараёнида ўқув хонасининг амалиётга мослаб таъмирланиши ҳам ўқитувчидан ижодий ёндашишини талаб этади.

Анъанага кўра, ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги қуйидагича олиб борилади: Ўқитувчи навбатдаги машғулотларга тайёргарлик кўришда ярим ўқув йили ёки бир ўқув йилини ўз ичига олувчи тақвим-мавзу (календарь-тематик) режа тузади. Тақвим-мавзу режани тузишда бутун ўқув материали машғулотларга тақсимланиб, дарс типлари орасидаги боғланиш, таълим методлари, кўргазма қуроллар, тарқатма манбалар аниқланади. Бундай мавзулар бўйича дарслар тўплами белгиланади.

Дарс тўпламини ташкил этишда қуйидагиларга амал қилинади:

• мавзунинг ўқув фанидаги ўрни;

•назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги;

• ўқувчиларнинг янги мавзуни ўзлаштиришдаги тайёргарлиги;

• ўқувчиларнинг ижодий ишлари имкониятлари;

• мавзуни ўрганиш натижалари;

Ўқитувчи ҳар бир машғулотга қуйидагича тайёрланади:

I. Ташкилий тайёрланиш.

II.Методик тайёрланиш.

I. Ташкилий тайёрланишда ўқитувчининг хонани, керакли асбоб-ускуналарни, дарсликларни, ўқув кўлланмаларни, кўргазма қуролларни, тайёр

намуналарни тайёрлаши тушунилади. Ташкилий ишни бажаришда ўқитувчи мана шу жиҳоз ва шу шароитда ўзи бажариб кўриши керак. Бу билан ўқитувчи:

-ўқувчига шахсий намуна бўлиб, обрўси ошади;

-ўқитувчи тайёрлаган намуна ўқувчига таққослаш манбаи бўлади;

-ўқувчи ишни бажаришда қандай қийинчиликларга дуч келишини ва қандай хатоларга йўл қўйиши мумкинлигини тасаввур қилади.

Меҳнат таълими жараёнида ўқитувчи томонидан ҳар бир ўқувчининг керакли иш жиҳозлари билан таъминланганлигига эришилиши жуда муҳим кўрсаткичдир. Дарс мобайнида кўрсатмали ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиш машғулотнинг самарали ташкил этилишига олиб келади. Ўқитувчи машғулотга қанчалик пухта ва тўлиқ тайёрланса, ўтиладиган дарс жараёнининг шунчалик қизиқарли ва самарали бўлиши кафолатланади [3. Б.105].

Дарсга тайёргарлик кўриш мобайнида ўқитувчи яна ўқув адабиётлар устида ишлаши, методик адабиётлар ва қўлланмаларни қараб чиқиши керак. Бундан ташқари навбатдаги дарсга тайёрланишда ўқитувчидан касбдошлари томонидан ўтилган очиқ дарслар, кўргазмали дарсларда олинган тажриба алмашишлар натижаларини ҳам ўрганиб чиқиб, дарс жараёнига кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш учун ҳам жиддий эътибор талаб қилинади. Ўқитувчи дарсга тайёрланишда аввалги гуруҳ ёки аввалги йиллардаги шу мавзуни бажаришда йўл қўйилган камчиликларнинг сабабини ҳам аниқлайди.

II. Методик тайёрланишда ўқитувчининг тайёрланиши дарс режасини тузиш билан тугалланади. Дарс режаси қанчалик тўла, батафсил ёзилган бўлса, у ўқитувчига шунча кўп ёрдам беради.

1. Дарснинг мавзуси, мақсади ва вазифалари.
2. Меҳнат объекти.
3. Дарс жиҳози.
4. Дарснинг бориши.

Дарсга 5 хил мақсад қўйилади:

а) таълимий;
б) тарбиявий;
в) ривожлантирувчи;
г) ижодий;
д) амалий.

Мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан ёшлар тарбиясига оид олиб борилаётган ишлар доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, таълим соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш, ўсиб келаётган ёш авлодни назарий ва амалий билимлар уйғунлигини таъминлаган ҳолда тарбиялаш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқдир. Таълим-тарбиядан кўзда тутилган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юкланади. Халқимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлиги, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тайёрлаш ишларига бўлган муносабатига боғлиқ. Шунинг учун педагогика олийгоҳлари ва билим юртларида малакали ўқитувчи кадрларни тайёрлашни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўқитувчиларнинг фалсафий жиҳатдан кенг фикрловчи, мулоҳазали бўлишини тақозо этади.

Ҳаммамизга маълумки, ўқитувчи касби олийжаноб ва шарафли, лекин мураккаб касб бўлиб, ўқув жараёнининг қай даражада тўғри ташкил этилиши, энг аввало, унга боғлиқ. “Технология” фанини ўрганиш жараёни мобайнида вақтнинг асосий 80%и ўқувчиларнинг мустақил амалий ишларига сарфланади. Бу жараёнда ўқитувчининг роли катта бўлиб, ҳамма нарса ўқитувчи томонидан олдиндан пухта ўйланса ва яхши ривожлантирилса, ўқувчилар мустақил ишлай оладилар. Бу эса “Технология” фани ўқитувчисидан кенг билимдонлик, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб этади. “Ҳар бир мактаб битирувчисининг сифатли битириб чиқиб кетиши, энг аввало, ўқитувчиларнинг профессионал компетентлигига боғлиқдир” [4. Б. 10].

Шунинг учун ҳам ҳар бир фан йўналиши бўйича дарс берадиган педагоглар, жумладан, мактаблардаги “Технология” фани ўқитувчилари ҳам:

1) юксак ахлоқий фазилатларга, ўз касбига оид тегишли маълумот ва касбкор тайёргарлигига эга бўлган қобилиятли ижодкор;

2) миллий маданият ва қадриятларни, дунёвий билимларни яхши билиши ва диний илмлардан ҳам хабардор;

3) юқори методик, психологик тайёргарликка эга;

4) эркин ва ижобий фикрлай оладиган талабчан, одобли кишилар бўлмоғи керак.

Бу борада 2019 йил 23 августда халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қуйидаги фикрларни билдириб ўтди: “Мен муаллимларнинг жамиятимиздаги обрўсини ошириш ҳақида кўп ўйлайман. Чунки ўзим кўп йиллар олийгоҳда домла бўлиб ишлаганим учун бу соҳанинг қанчалик қийин ва машаққатли эканини яхши биламан. Албатта, бу борада моддий қўллаб-қувватлаш муҳим, лекин бу касбнинг обрўсини фақат ўқитувчининг ўзи фидокорона меҳнати, ўз устида

тинимсиз ишлаши, бошқаларга ўрнак бўлиши билан ошира олади. Биз энди жамиятимизда ўқитувчиларни “Сиз”лаб, уларнинг шаъни ва ҳурматини бошимизга кўтарадиган, уларни том маънода келажак бунёдкорлари, деб улуғлайдиган муҳитни яратишимиз зарур” [5].

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”-ги Қонунининг 5-моддасида белгилаб қўйилганидай, “Тегишли маълумот, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга” [6].

Педагогик фаолияти билан шуғулланишга тўсқинлик қилувчи тиббий кўрсаткичларнинг рўйхати ва касб жиҳатдан номуносиблигига доир масалаларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати томонидан белгиланади.

“Технология” фани ўқитувчиси ҳам ўзининг фани хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бир қанча талабларга жавоб бериши керак:

• Сиёсий, ғоявий, онгли бўлиши, яъни давр ўзгаришлари, қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар, қонунларни ўзи тушуна оладиган, эркин фикр юрита оладиган ва ўқувчиларга ҳам етказа оладиган бўлиши керак.

• Ўқитувчи юқори касбий тайёргарликка эга бўлиши керак, яъни касб-ҳунар таълими дастурига киритилган ҳамма бўлимларни яхши билиши, юқори малакага эга бўлиши, шу касб бўйича камида 3-4 разрядга эга бўлган мутахассис бўлиши мақсадга мувофиқ.

• Юқори педагогик, психологик тайёргарликка эга бўлиши, яъни мавзу танлаш, ўқув мазмунини танлашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятини, уларни аввалги олган билимларини ҳисобга олиб танлаши зарур.

• Ўз касбига муҳаббатли, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонган, ўзининг ватанини севган ҳар бир ўқувчининг улғайиб бирор касб эгаллашига, камол топишига кўмаклашадиган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотчи Д.Тожибоева томонидан мамлакатимизда ҳам ўқитувчи кадрларга қўйилаётган талаблар таҳлил қилинар экан, уларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан ҳозирги куннинг заруриятидан келиб чиқиб, жиддий талаблар қўйилаётганини ҳисобга олган педагог ҳам замонавий талаб даражасида билим бериш учун, аввало, ўзи ана шундай билимга эга бўлиши кераклиги таъкидланади [7. Б. 14].

“Меҳнат ўқитувчисининг тайёргарлиги ҳар қандай асосли бўлса ҳам, у тугалланган ҳисобланмайди. Маълумки, ҳозирги замон ишлаб чиқариши жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Меҳнат қуроллари, технологик процесслар узлуксиз такомиллашиб бормоқда. Бу маълум даражада меҳнат таълимида ўз аксини топиши керак. Демак, меҳнат ўқитувчиси фан ва техника соҳасидаги тараққиётни узлуксиз кузатиб бориши, улардан ўқувчиларни тушунарли формада хабардор қилиб туриши ва ўз маҳорати устида ишлаши керак”, деб ҳисоблайди яна бир тадқиқотчи Ҳ.Душабоев [8. Б. 18].

“Ижодий фаолият олиб борувчи ўқитувчи фақатгина болаларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялаш, илғор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб колмасдан, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиши зарур. Ҳозирги замон ўқитувчиси фан ва техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиши, ўз касбий фаолиятида янги педагогик технологияларни унумли қўллай олиши тақозо этилади”, – дея эътироф этилади яна бир мутахассис олим А.Холиқов томонидан [9. Б. 42].

Ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлган ҳолда ўз фаолиятининг ижодкорига айланиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамроҳи бўлади. Ҳар бир ўқитувчи бунга қобилиятли бўлиши керак. Қобилият эса фаолият жараёнида пайдо бўлиб шаклланади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилиб, малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланади. Ўқитувчининг педагогик фаолиятини самарали бўлишини таъминловчи қобилияти ҳам ҳар хил бўлиб, улар:

1. Билиш қобилияти – ўзининг фани соҳаларини билишга оид қобилияти бўлиб, бунда ўқитувчи ўқув курси ҳажмини тор маънода эмас, балки кенг, чуқурроқ ва ҳар томонлама билиши назарда тутилади.

2. Тушунтира олиш қобилияти – ўқув материалини ўқувчиларга етказа олиши (содда, тушунарли бўлиш хусусиятларини эътиборга олиш).

3. Кузатувчанлик қобилияти – ўқувчининг ички дунёсини, бугунги ҳолатини, вақтинчалик руҳий ҳолатини аниқлаш фаолиятидир.

4. Нутқ қобилияти – нутқ ёрдамида ўз фикрларини ифодалаш қобилиятидир. Ўқитувчининг нутқи ўқувчига қаратилган, фикрини аниқ ифодалай оладиган, содда тушунарли, жонли, талаффузлари аниқ бўлиши зарур (бир меъёрдаги ёки баланд товушлар асабни бузади).

5. Талабчанлик қобилияти (ташкилотчилик) – ўқувчи жамоасини уюштириш, жипслаштириш фаолияти тушунилади.

6. Обрў орттириш қобилияти – ўқитувчининг ўз фанини яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлиги, талабчанлиги, ҳаққонийлиги, қўполлик қилмаслиги, ўқувчи шахсиятига тегмаслиги обрў орттириш демакдир.

7. Тўғри муомала қила олиш қобилияти – болаларга яқинлаша олиши, болаларни бола эканлигини ҳисобга олиши фаолиятидир. Бу қобилиятлардан ташқари ўқитувчи узоқ келажакни кўра олиши, меҳнатсеварлик, камтарлик, масъулиятлик, қатъийлик, адолатлилик, эътиқодлилик каби сифатларга эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмайдиган яна бир масала – бу фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позициясига эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш вазифасидир... Биз улар билан кўпроқ гаплашишимиз, қалбига қулоқ солишимиз, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз, энг асосийси, азиз Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич айтганларидек, ёшларга йўлни кенг очиб беришимиз керак”, деб барча педагог-тарбиячилар олдига долзарб вазифалар қўйиб берилди [10. Б. 103]. Шундай экан, бугунги кунда ҳар томонлама баркамол, мустақил ҳаётда билими ва малакаси билан жамиятда ўз ўрнини топишга қийналмайдиган ёшларни тарбиялаш ҳар бир педагогнинг муқаддас вазифасидир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. 07.02.2017. https://Lex/uz/doc/3107036

2. *Шарипов Ш.С., Давлатов К, Насриддинова Г.С*. Касбга йўналтиришнинг илмий-педагогик асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2007. – 146 б.

3. Технология. 8 класс. Методическое пособие к учебнику Технология. Технический труд. 8 класс / Под ред. В.М.Казакевича, Г.А Молевой. – Москва: Дрофа, 2015. – 160 с.

4. *Резник С.Д., Вдовина О.А.* Преподаватель вуза.Технологии и организация деятельности. Учебник. – Москва: Издательство: ИНФРА-М, 2019. – 339 с.

5. *Mirziyoyev Sh.M.* O‘zim ko‘p yillar o‘qituvchi bo‘lib ishlaganim uchun bu sohaning qanchalik qiyin va mashaqqatli ekanini yaxshi bilaman [Интернет ресурс]. Режим доступа: URL: https://kun.uz/news/2019/08/24/ (Мурожаат этилган сана: 21.09.2019)

6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. *464 -1-сон 29.08.1997 // http:///lex.uz/docs/16188*

7. *Тожибоева Д.* Глобал миқёсда таълим ролининг ортиши ва ўқитувчи – педагогларга қўйиладиган замонавий талаблар // Замонавий таълим, 2017. –№ 4. – Б.10 – 17.

8. Душабоев Х. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантириш. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент, 2011. – 127 б.

9. *Холиқов А.* Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2010. – 312 б.

10. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 бет.

EFFICIENCY AND PROFESSIONAL QUALITIES OF THE TEACHER OF ‘TECHNOLOGY’ IN THE PROCESS OF TRAINING

Ya.Zh.Gusanov[1], Z.R.Isakhova[2], T.G.Do’stmatov[3]

Ilmiy xabarnoma. Seriya. Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Researches. 2020. 2(46). 37 – 37.

[1,2,3]Kokand State Pedagogical Institute, Kokand, 150712, str. Turon, 23 (Uzbekistan). E-mail: qdpimarket@umail.uz

Keywords: *responsiveness, professionalism, level, technology, didactics, administration, exhibition, profession, pedagogy, skill.*

The article discusses the importance of the teachers’ responsibility for their work in the learning process, the peculiarities of training teachers in “Technology” taught in secondary schools and the formation of professional qualities of students. At technology lessons, the main educational process is directly carried out through independent practical work of students. It is necessary that the lesson should carefully be organized by the teacher so that students could work independently.

In innovative education, the formation of pedagog-

ical activity, the organization of its socio-psychological aspects, the study of the components that make up educational activity, began to be carried out at the end of the XXth century. According to this theory, the formation of educational activity is determined not as the basis for mastering the foundations of science, but as the process of assimilation of the socio cultural values of the individual.

This represents the socio-psychological novelty of modern innovative educational cooperation. The choice of a profession by schoolchildren should be a conscious necessity and at the same time in the interests of society, in order to satisfy the personal needs of boys and girls on the path to maturity. One must be well educated. Without the knowledge of science and technology development is impossible. A teacher is a person who educates and guides youth. The high-quality fulfillment of the tasks set in the field of education in our country largely depends on the readiness of the teacher, his level, dedication, attitude to the work of training and education of the younger generation.

The activities of the teacher of "Technology" are aimed at the formation of a person's personality aimed at professional education. In the process of preparation for the lesson, he must be able to choose the right methods of work, control the correct application of theoretical knowledge in practice. Lesson planning plays a key role in the field of education. When planning a school year, you can preview all the work performed by the teacher and student in accordance with the objectives and goals of the subject "Technology" in a comprehensive school.

The teacher of "Technology" solves a number of didactic problems:

- The subject "Technology" makes it possible to timely prepare the educational process in accordance with the program sections of the training. New modern equipment for classrooms, sources of training exhibitions will be known in advance;

- Highlighting the relationship between the content of the subject "Technology" and the content of other disciplines, the teacher distributes the training material in to separate lessons, which allows you to determine the knowledge of students in other disciplines.

Thus, a didactic connection between the science of "Technology" and the study of the foundations of other science is provided.

References

1. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son Farmoni* [The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 "On the Strategy of actions for Further Development of the Republic of Uzbekistan" No PD-4947. 07.02.2017.https://Lex/uz/doc/3107036

2. Sharipov, Sh.S., Davlatov, K, Nasriddinova, G.S. (2007) *Kasbga jo'naltirishning ilmiy-pedagogik asoslari* [Scientific and pedagogical foundations of vocational guidance]. Tashkent.

3. Kazakevich, V.M., Molevoj, G.A. (2015) *Tekhnologiya. 8 kl. Metodicheskoe posobie k uchebniku Tekhnologiya. Tekhnicheskij trud. 8 kl* [Technology. 8 class. Methodical manual for the textbook Technology. Technical work. 8 class]. Moscow: Drofa.

4. Reznik, S.D., Vdovina, O.A. (2019) Prepodavatel' vuza. (2019) Tekhnologii i organizaciya deyatel'nosti. Uchebnik. [University lecturer. Technologies and organization of activities]. Moscow: Izdatel'stvo: INFRA-M.

5. Mirziyoyev, Sh.M. (2019*) '*O'zim ko'p yillar o'qituvchi bo'lib ishlaganim uchun bu sohaning qanchalik qiyin va mashaqqatli ekanini yaxshi bilaman' ['Having worked as a teacher for many years, I know how difficult the sphere is'] [Online] Available from: https://kun.uz/news/2019/08/24/ (Date of Access: 21.09.2019)

6. O'zbekiston Respublikasining 'Ta'lim to'g'risida'gi Qonuni [The law of the Republic of Uzbekistan. About education]. *464* -1-*сон. 29.08.1997*. https://www.lex.uz/docs/16188

7. Tozhiboeva, D. (2017) Global miqiyosda ta'lim rolining ortishi va o'qituvchi – pedagoglarga qo'yiladigan zamonaviy talablar [The growing role of education on a global scale and modern requirements for teachers]. *Zamonaviy ta'lim*. No 4. Pp.10-17.

8. Dushaboev, H. (2011). *Mehnat ta'limi o'qituvchisi kasbiy kompetentligini shakllantirish* [The formation of professional competence of the teacher of labour education]. Magistralic dissertation. Tashkent.

9. Holiqov, A.(2010) *Pedagogik mahorat* [Pedagogical skills]. Tashkent: IQTISOD-MOLIYA.

10. Mirziyoev, Sh.M. (2017) *Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz* [We will build our great future together with our brave and noble people].Tashkent: O'zbekiston.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Ҳусанов Аҳмаджон Жўраевич – Қўқон ДПИ Меҳнат таълими кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди. E-mail: qdpimarket@umail.uz.

Исақова Зуҳрахон Рафиқовна – Қўқон ДПИ Меҳнат таълими кафедраси ўқитувчиси. E-mail: qdpimarket@umail.uz.

Дўстматов Туғонбой Ғаниевич – Қўқон ДПИ Меҳнат таълими кафедраси ўқитувчиси. E-mail: qdpimarket@umail.uz.